

„ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ“ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ХАТЛАРИДАН



Тошкентнинг энг гўзал ва обод шаҳри айлантирамиз



Республиканинг пойтахти Тошкент кўндан-кўнга обод бўлмоқда. Янги уйлар қурилиб, кўчалар кенгаймоқда. Суратда: Ҳамза номи проспекти. М. Шарипов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Маҳалла аҳолисининг талаблари

Бизнинг маҳалла райондаги энг йирик маҳаллалардан бири ҳисобланади. 600 хонадон. Бу маҳалла ўзининг хўшманзара ва соя-салқинлиги билан кўпларининг ҳавасини келтирибди. Бу ерда бир ўрта ва икки етти йиллик мактаб, 2 та болалар босқиси, «Ўзбекистон XV йиллиги» болалар санаторийи, «XVIII партконференция» фабрикаси, давлат отхонаси, ёнги кинотеатр бор. Сўнгги икки йилнинг ўзига 200 га яқин индибулдул типовой участка қурилди, ҳаммаси бўлиб 12000 квадрат метр кўчага шалғал тўқилди, 2500 квадрат метр ҳажмидаги тратуарга асфальт ётқизилди, кўчаларга 3000 туپ дархат ўтказилди ва ҳозир.

Бу талабларнинг ҳаммаси маҳалламиз ҳуснига ҳус қўшили, меҳнаткашларни қўвиштирибди.

Шу билан бирга, маҳалла аҳолисининг ободонлаштириш ҳусусида бир неча ташкилотлар адресига айтдиған танқидий фикр ва мунозаалари бор. Бу ўринда дастлаб биз водоканал трестининг бошлиғи ўртоқ Хўжаевни танқид қилмоқчимиз.

Ўртоқ Хўжаевнинг ўзи маҳалла активларини «1955 йилда маҳалламизга керагича колонка ўрнатилди бераман» деб ишонтирган эди. Қарасак, у бизни оқдотганидек бу сафар ҳам лақиллатганидан, сўнг бир неча ташкилотларга бериб қаттиқ талаб қилганимиз, ниҳоят шаҳар партия комитетининг бу ишга ариаланиши натижасида 150 метр труба қўйилди, битта колонка қурилди. Лекин иш шу билан яна тўхтаб қолди.

1956 йил январида мувофиқ водоканал трести Октябрь райони территориясида ҳаммаси бўлиб 4600 метрлик водопровод труба ўтказилиши керак. Лекин шу пайтгача бир метр труба ўтказилмади. Биз маҳалла водопровод ўтказиб берилишини кескин талаб қилганимиз. 400-500 метр масофага сув ташиб ичатиған юзлаб хонадон аҳолиси шунини талаб қилади.

Бизнинг маҳаллада қишқик кинотеатр, ҳаммом ва катта намунали мактаб қуриш учун қўлай жой бор. Булар II оқлончилар учунига эмас, балки бошқа бир неча маҳалла меҳнаткашлари ва қишлоқ аҳолиси учун ҳам зарур.

Маҳалламиз территориясидаги Равийи протектида 25 етга бора, лекин уларнинг биттасида ҳам электр лампочкаси йўқ. Бу маҳалла ҳусусида шаҳар еришнинг бўлимининг бошлиғи ўртоқ Зокиров билан бир эмас, юз марта гапиринганмиз. У киши ҳам «хўп бўлади» дон нарига ўтмайтир.

Манион Уйғур кўчасида хиббон қилинган қишлоқ, лекин у ерга бир неча етга, 10-15 та электр лампочка ва кампада битта радиоканайи ўрнатилса, шунда бу жой чинаякам нисбатан жойига айланади. Шунингдек Сталин номи қўшқондан индибулдул тарзда участка қурувчиларга ажратилган массив кўчасига шалғал ётқизили, тратуарини асфальтлан ҳам зарур.

Биз бу талабларимизни қондирин юзасидан амалий чоралар қўрилишини кутамиз.

Ғулом ҚОДИРОВ,

Меҳнаткашлар депутатлари Октябрь район Советининг депутаты, II-Оқлон маҳалла комитетининг расиси

Азиз РУСТАМОВ,

маҳалла комитетининг аъзоси, республикада хизмат қўрсатган ўқитувчи.

Ракат ариғи булғатилмасин

Пойтахтимизнинг Фрунзе райони йирик саноат корхоналари ва маданий ўноқлар жойлашган районлардан биридир. Бу ердаги Шота Руставели ва Богдан Хмельницкий кўчалари ва уларда қад қўтарган кўркам бинолар еттидан ҳақини равишда фахрлининг туйғуларини уйғотди.

Аммо, ободончилик соҳасида ҳали камчиликлар жуда кўп. Чўнончи катта магистраль кўчалар асфальтланган бўлса ҳам кўпгина кичик кўчаларга ҳали шалғал ҳам ётқизилган эмас.

Ободончилик ҳақида сўз бора-бор, санитария, ободончиликнинг тўхталди ўтмай бўлмайди. Санитария ободончилиги мисалдан энг асосий роль ўйнаши керак. Бу муҳим масалани айниқса нуфуслар кўп. Бу масалани район ижроия комитети на унинг бўлимлари етарли иш қилмайтирлар. Жуда кўп ариғ ва кўчалар ҳануз тозаланимай ётади.

Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, ободончилик, ҳусусан санитария ободончилиги фақат давлат томонидан ажратилган маблағ ва маҳаллий ташкилотларнинг таъбирлари билангина амалга ошмайди. Бу амалда бар-

ча аҳоли актив қатнашиши керак. Аммо, аҳоли булга ахши жабоб этилмаган. Асасинча баъзи хонадонлар санитария ва гигиена қондаларини бузиб қўймоқдалар. Масалан, Фрунзе райони территориясида бир кўчаларнинг ўзининг тоза суви ва салқинлиги билан маълул бўлган Ракат ариғи ўтди. Шу ариғининг Местомовская, Остренская ва Придольная кўчалари бўйлаб оқидиган қисмида шахсий участка етгаларида ташқари руҳсатсиз кичик уйлар қуриб олган 80 га яқин хонадон бор. Шу хонадонлар уй-рўзгоридан чиққан барча чиқиндиларни ахлат, гўн ва

ховазо) шу ариғда ташлаб уни доим ифлослантирадилар. Биз меҳнаткашлар район раҳбарларидан, айниқса меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советидан ана шундай камчиликларни тезда бартараф қилиш чораларини қилишни талаб қилганимиз. Ракат ариғида сув тоза ва пақ бўлиб оқини зарур!

И. ЮСУПОВ,

Фрунзе район, I-Продольная маҳалла комитетининг расиси

Х. СОДИҚОВ, Р. ХОЛМУХАМедов, А. ҚОДИРОВ—маҳалла активлари.

Хуснбўзарлар

(Уста Юсуф ва уста Парри савҳатидан)

— Атиағ, шундай ақойиб кўча ва гулзорларга манабу кишилар хуснбўзар бўпти-ку.

— Бу гулзор ерсида ётган напирос қолдиқлари, қороз парчаларини кўриб унинг қолдиқларини қилипти.

Уста Юсуф фонтан олдига келди. Қомсомол майдонидан фонтан гузуллаб отилиб ётипти. Унинг атрофидан текис хиббонлар одамлар дам олиниб юришипти. Бироқ... (яна бироқ) Чаманас очилиб турган гулзор орасида бир неча йилгит ёпишмаб қитоб ўқиб ётипти.

— Бу қанадаси? — деди Уста Юсуф ўз кўзига ўзи ишонамай.

Угилчагини еталаб фонтан салқинида сайр қилиб юрган бир хотин унга илоҳ берди:

— Булар манабу тоғ техникасининг студентлари. Даре тайёрлашапти.

— Қой йигитлар, инсофларинг борми, ахир? Гулзорни босиб даре тайёрлашмасларми? Айб бўлади-и...

— Пулингиздан қолманг ота. Пушқини ноҳил парда даре тайёрламга Парк директори руҳсат бермангиз. Нима қилайлик?

— Ажаб қилади. У ерда ҳам сизга ўхшаш босиб йигитлар даре тайёрлайман деб гулзорни пайхон қилиб ташлашптилар.

Йигитлар қолнинг галига парво қилмай қитоб ўқишда давом етасириптилар.

Фонтан ҳоузун напирос қолдиқлари, моржонено қорозлари билан тўлиб кетипти. Уста Юсуф ҳоузрига напирос ташлаган йигитнинг қўлидан ушлади.

— Бу қанадаси ошмам?

— Шунданаси, — деди йигит тўнглик қилиб.

— Бу фонтан-ку!

— Биланам фонтанчилигини. Бизнинг маҳаллада бормишаси? Бортан бўлсангиз, гиринг демай кетасангиз?

— Қанақа маҳалла?

— Тахтлулдул Қўлоққача Қалавуз анҳорини ёқалаб юриб кўринг, биласиз.

— Қўлоққача. Шу анҳор бўйидаги хонадонлар ахлатни сувга оқизашпти. Сиз ҳам шу кўчада турасанми?

— Ха, — деди сиз тўнглинқираб боғти йигит.

— Демай фонтан ҳоузига напирос ташлаганингизга ўлка қилмасиз ҳам бўлар экан. Уйдаги ахлатни кўчадаги сувга оқидиган одамнинг қўлидан ҳар иш келди. Қўни-бўниларининг мағсавани ҳам сувга оқизашпти.

Боғти йигит Устанинг қўлидан ишлатиб қинди-ю, қўйидек қойиб бўлди.

— Э, аттағ, иеми шарофити била олам қолдиқ-да.

Уста ён чўнтагиндан чўди соатини олиб қаради. Кўчанинг нариги бетига тўхталган троллейбусга югурди. Троллейбус кўркам Навоий кўчаси бўйлаб ўқиб учиб йорди. Устанинг ёнида ўтирган кўзойнакли киши ўқидан-ўқиб ўқиди «Тавба», деб ўқиди. Уста ўтирилиб унга қаради.

— Ие, ўзларингиз. Оббо Устам-ей.

Бу ҳаммага маълул ва машҳур оғзаки таълиқ Уста Парри эди.

— Нега тавба дедингиз, Уста?

Уста Парри кўча четидан тўрт-беш қанада чиройли биноларни кўрсатди.

— Уян қарагиз, қандай чиройли бинолар-а. Шаҳримизнинг кўркам девериғи, Бирок...

Уста Парри ҳам галга нудга қўйиб,

боғти айтганимизча бироқ, деган тўмтоқ сўзга қанада қолди.

— Бироқ анаву балқонларга ҳам кўз ташлаб қўйинг.

— Ха, нима бўпти?

— Балқонлардаги бўжмаларга ҳам қарагиз.

Уста тикилиб қараган эди, эми яширлашиб кетди. Нақшнинг балқонларда куз солинган кўрмачалар, ювган қўйлақ-штонлар (афсуз ағза), балқонларнинг қанчалар ва пеленкаси ёйиб қўйилган эди.

— Шундай гўзал ва гавжум кўчага қарабти шунанга парасаларини ёйиб қўйгани уялишмайми?

— Шундоқ қидитми, демай уяти йўқ экан-да.

Икки уста ўрдада троллейбусдан тушиб Анҳор бўйидаги савейкага ўтириб, бугунги кўркам-кечиргаларини ўртага солишти. Шаҳарнинг хуснбўзарлари ҳақида узоқ гапаштишти.

— Тахтлулдул Қўни кўчани кўчадан ўтганқисса? Октябрь район солиқни саклаб бўлими мудирининг бир йил ичида шу кўчага қанада етган бўлса, қаламнинг шартта кесиб олинг, вои десам номарман. Бу ердаги аҳоли туни билан уйдан ахлатни кўчага олиб чиқиб ташлайди.

— Хўла, гапирган билан гап кўп, кўнжир оз. Иккинчи ҳоуз Сиз шаҳар санитария инспекциясига бориш, мен шаҳар Советига бораи. Иккинчиси ҳам депутатиз. Ҳамча гапий ўла ерда отинг-брут қилиб ўртага ташлаймиз.

Икки ўст би-бирига оқйўд тилаб хайрлаштишти.

Тошкент шаҳар Совети ва санитария инспекциясига Уста Парри билан Уста Юсуфнинг гапига қўлоқ солаётган олам тоналлани. Йўқми — бу бизга номалум.

С. ХУЖАЕВ.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси редакцияси шаҳар меҳнаткашларидан пойтахтимизни янада обод ва кўркам қилиш, бу муҳим ишга жамоатчилигининг эътиборини кенг жалб этиш ҳақида кўплаб хатлар олмоқда. Бу хатларда Тошкентнинг Совет ҳоимияти йилларида ўсиб, Иттифоқимизнинг энг йирик ва индустриал-маданий марказларидан бирига айландиғани кўрсатилиши билан бирга, шаҳар ободончилигидаги айрим иккидй нуфуслар некин танқид қилинмоқда. Шаҳар ташкилотлари ва жамоатчилиги олдига катта талаблар қўйилмоқда.

Кўйида редакциямига келган ана шу хатлардан баъзи бирларини босаётириш.

Чанг кўча, лой кўча

Республиканинг пойтахтининг ҳусни ва чиройи кун сайин очилмоқда.

Бироқ шу билан бирга унинг чиройига доғ бўлиб турган, айрим кўчалар ва маҳаллалар ҳам бор. Ўғри, улар жуда кам, бармоқ билан санари. Масалан, Октябрь районидаги Қишлоқ кўчаси ва бу кўчадаги айрим протектлар, жумладан Уратепи протекти шаҳримиз ҳуснига доғ солиб турибди. Қишлоқ кўчасига бундан бир неча йил илгари қалам-қатти шалғал ётқизилган эди. Оралдан вақт ўтиши билан шалғалнинг қўнғига қисми сувга чўккан қумдек ер баррига сингди, йўқ бўлиб кетди.

Кўчада хонадонлардан чиққан ахлатларни ташлаётган махсус жой ёки ички йўқ. Шу сабабли ахлатлар кўчанинг дуч келган ерига тўқилмоқда. Машиналар ўтганда бу ахлатлар чанг-тузан бўлиб, ҳавога кўтарилмоқда. Натижада санитария-гигиена қондалари қўлоқ равишда бузиломоқда. Уратепи протектида кўп ахлат тўпалашиб қолган. Бу ҳақда маҳалла активлари район ижроия комитетига бир неча бор мурожаат қилишлар. Бироқ шу пайтгача ҳеч қандай натижага эришиб бўлмади.

Биз район ташкилотларининг раҳбарларидан маҳаллаларни ободонлаштириш ишларида меҳнаткашларга ердан беришларини сўраб эдик.

Қишлоқ кўчаси маҳалла меҳнаткашлари номидан:

О. СОДИҚОВ,

пенсционер, қариялардан:

М. АЛИМБЕНОВ,

Х. ҚОСИМОВ,

Ховлиларнинг тозаллигига эътибор берилсин

Бизларнинг истиқомат қилиб турган жойимиз шаҳарнинг маркази ҳисобланади. Марказий район Даржвинский кўчасини ким билмайди, дейсиз. У ерда қанот, салқин, аҳоли энг жойлашган кўчалардан бири. Шундай бўлишга қарамай кўча на унинг атрофиданги хонадонларнинг санитария-гигиена аҳоли шу кўчанинг талабига жавоб бераёлмайди.

Бунга мисол қилиб ўзимиз яшаб турган 30, 29 уйларнинг ҳозирги кундаги аҳолини кўрсатиш мумкин. 29-уйнинг ховлидаги ахлат ташланганлиги айтишнинг қўлоқ-тоналлига маъна 15 кундан ҳам ошиб кетди.

30-уйнинг санитария-гигиена аҳоли 29-уйнингдан қолганидай. Бу ҳақда Марказий район ижроия комитети ва депутатларига мурожаат қилишди. Лекин узар бизга қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмайтирлар.

Х. РУСТАМОВ,

Политехника институтининг профессори,

Ю. ЛЕКСИТОВИЧ,

уй хўжалиги билан шуғулланувчи.

ЁРДАМ КУТАМИЗ

Сўнгги йилларда Тошкентдаги Ишчилар шаҳарчасининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Эгри-бугри тор кўчалар, бугут томлар ўрнида тўғри кенг кўчалар, типовой уй-жойлар, қўп қаватли кўркам бинолар бунда келди. Шаҳарчада кўп минг кишилик ишчи, хизматчи ва интеллигенция оилалари яламоқда. Молотов кўчасида қатнаётган троллейбус меҳнаткашларга катта қўлайлик туғдириди.

Маълуки халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланган сари маданий ва маънавий талаблари ҳам ўсиб боради. Ана шу нуктадан назардан қараганда ишчилар шаҳарчаси аҳолисининг ҳам бир қанча ҳақли талаблари бор. Биз ана шулар ҳақида гапирмоқчимиз. Аввало шунини айтиш керакки, шундай катта шаҳарчада водопровод масаласи уял-қосил ҳал қилинмаган. Бу тўғрида 1952 йилдан бери гап бўлади. Ариқ сувиини истеъмол қилиш оқсасида болалар ўртасида айрим касалликлар пайдо бўлмоқда.

Шаҳарчада фақат Молотов, Қисловодская кўчаларига асфальт ётқизилган, ҳолос. Қолган Раднальная, Барнаулная, Мичурин, Янги ариқ, Киев ва бошқа кўчалар ҳалигача асфальтланган йўқ. Натижада бу кўчалардан ёгингарчилик пайида юриш оғирлашмоқда. 1954 йилда Молотов протектида 143-ўрта мактаб биноси қурилган эди. Аммо мактабга олиб келадиган атроф йўлларининг ҳаммаси ҳам таътилиб асфальтланмади. Шу тўғрисида қиш кўллари ўқувчилар мактабга қатнашга қўйналмоқдалар.

Булардан ташқари шаҳарчамада ҳаммом, маданий таъбирлар ўтказилмади қлуб, болалар босқиси қуриш айнаёча зарур. Ремонт-подшипник заводиди қинидаги боғча эса ёш болани ишчи ва хизматчи аёлларини талабига тўла жавоб бераёттир.

Биз, юқориданги камчилик ва етишмовчиликларни тезда тугатишда тегишли ташкилотларнинг ёрдам беришларини кутамиз.

Ёкут АЗИЗОВА,

143-мактаб директори,

Алиар НУЪМОМОВ,

5-синг завождар бошқармасининг ишчиси.

Навоий кўчаси бўйлаб

Бундан 5-6 йиллар олдин пойтахтимизда меҳмон бўлиб кетган кишилар шу кеча-қундузда Тошкентга келиб, Москва районидаги Навоий кўчаси бўйлаб сайр етар ақиллар, чиндан ҳам уларнинг бахри-илаи очилди, ҳузур қилишди. Иккидан қад қўтарган ва қад қўтарётган салобатли бинолар олдига атрофга хушбўй қишлоқларини тартиб, турин-туман гуллар яшнаб турипти. 4-5 қаватли бу биноларнинг қўнғилиғи шаҳар меҳнаткашларига — ишчи ва хизматчиларнинг оилаларига қоний фойдаланиш учун топирилган. Кўча ёқсизла хиббонлар ҳам бор. Бу ерларда раҳм меҳнаткашлари негизан вақтларда, айниқса оқшом пайтларда роҳатланиб дам оладилар. Ана шуларнинг ҳаммаси шаҳримизнинг, шунингдек Москва райониининг кўндан-кўнга обод ва кўркам бўлаётганлигини, меҳнат партияси ва Совет Ҳукумати-миш бу соҳага катта эътибор бераётганлигини далолат бериб турипти.

Биз пойтахтимизнинг бундан ҳам обод, бундан ҳам кўркам бўлишини истаймиз. Шунинг учун ҳам ободончилик соҳасида ҳам районимиз территориясида мавжуд бўлган камчиликлар ҳақида сўзлаб ўтмай иложимиз йўқ. Навоий кўчасидаги айрим бинолар анча йиллардан бери оқиб кўригани гўзал, орқа қўригани

ремонтига, кишининг гаши-ни келтирадиган даражада қаровсиз ётипти. Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати министрига биносининг олди

ги столбага «Ахлат тўйла-масин, 100 сўм штраф» деб ёзган ҳам ёйиб қўйилган. Бироқ бу ёзмонга ҳеч қим эътибор бермайдн. Айбни ишқириб турган кўча юзидан тахта деворларини олиб ташланса, бу ерда 4-5 машинага юк бўладиган ахлат тоғ қабзи уйиб қўйилганлигини, шу атрофда яшовчилар бу ачинарли ахлатга тоғат қилиб келат-тавланги аён бўлади. Агар гўзал Навоий кўчасидан биросигина ичкари томонларга кирсангиз янада бошқачароқ маънари кўрасиз:

Ўртоқ Зийдахон Ўдиров раислик қилаётган маҳалла қарашли Вагоний протекти ва бу протект билан кесилган Максим Горький кўчалари бўйлаб, ифлос лойқа сувар, оқиб ётипти. Машина етдиларки ташқаридан отилган лойлар оқидиган деворлар бетини қопқира доғга айлантирмоқда. Лекин бу ачинарли ахлатнинг оқидан олчи учун боп қотирадиган киши йўқ.

Улайимизки, Москва райони партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари шаҳримизни обод ва кўркам қилишда йўл қўйлаётган бу камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўрадилар. Шаҳримиз янада обод ва кўркам бўлсин!

А. ТУРДИЕВ,

ЎзССР халқ артисти,

У. СИДҚИҚОВ,

врач,

М. РУЗИМЕТОВ,

студент.

Сирти ялтироқ...

Собиқ Ўрта майдондаги кўркам бинолардан бири тўрт қаватли мутахассислар уйи ҳисобланади. Бунда 150 дан ортиқ хонадон янайди. Бинонинг сиртидан кўрган киши суқланиб, унда яшашни ороу қилади. Лекин бинонинг ичкариёсига кирсангиз бутунлай бошқа маънари кўрасиз.

Ичкари ховлининг саҳни катта. Аммо у ўнқир-чўнқир бўлиб, ундаги ифлослик, ахлатларнинг сочилиб ётиши кишини ачинаптиради. Ана шундай ифлос ховлида ёш болаларининг кун бўйи ўйнайди. Бир неча йилдан бери ҳовлини кўлакамзорлаштириш ҳақида бир қанча таъбирлар белгиланди. Лекин узар бажарилмай, қорозда қолиб кетмоқда. Хар йили бинонинг айрим подьездларини ва бутун бинони капиталда ремонт қилиш плани белгиланди. Йил бошида ремонтнинг бир қисми бошланг, кейин ўз ҳолича қолиб кетаверади. Шунинг учун бинонинг қўнғилиғи даврдан қўлиб келатган айрим ишлари ҳалигача тўғаланимаган. Бинонинг 3-4 қаватларига ўтказилган водопроводлар дастлабқин йилларда яхши ишлади. Лекин у узоқ-

қа бормасди. Қариб уч-тўрт йил бўлдики, қанда сува йўқлигидан юқори қаватда турувчилар қанин-ёани сувиан пастлаб ташиб чиқ-моқдалар.

Ховли саҳнини гулзорлаштириш ва тратуар қилиш ишлари 8 йилдан бери амалга оширилмай келди.

Шунинг ҳам айтиш керакки, айрим кишилар болаларчақаларимизнинг кўн бўлишларини, уларнинг доим ховлида ўйнашларини биласалар ҳам тозаллиққа риоя қилмайдилар. Асасинча безорилик қилиб, кишиларнинг тинчлигини бузадилар. Уйнинг биринчи секисидаги учинчи қават-рада яшовчи Яхонова бир неча йилдан бери ҳеч ерда ишламагани ҳақда кўп хонадоннинг тинчлигини буз-аёттир. У учинчи қаватдан турли ҳолатга ахлат, кир сувиини тўқиди. Ўртоқ Яхонова ҳам ҳовлинида оқола-ли бўлиши учун кураш-майди.

Шундай катта кўп қаватли бинолар сирти-нинг кўриналиши ялти-роқ қилишга берилиб, ички томонига эътибор берма-ётганликлари ҳаммамизни ажаблантирмоқда.

Г. ЗАРАЙЛОВСКИЙ — инженер,

Т. ЖАЛИЛОВ — композитор,

Москва район, Навоий кўчасидаги мутахассислар уйида яшовчи меҳнаткашлар.

Гражданика Яхонова нав-батдаги 6 адабчилигини қилмоқда.

Совет Иттифоқининг Шарқий Покистон аҳолисига ёрдами

Кейинги вақтларда Шарқий Покистон аҳолиси табиий офатлардан — сув тошқинлари ва қишлоқ хўжалик зараркунанда ҳашоротларидан қаттиқ заҳар бўлди. Экин майдонларининг анчагина ноқуд қилган бу табиий офатлар натижасида Шарқий Покистонда озиқ-овқат масаласида катта қийинчилик туғилди.

Шу муносабат билан СССРнинг Покистондаги элчиси Н. Ф. Шпедько Совет ҳукумати томонидан 24 майда Покистон беш министри Мухаммад Али ҳузурига янги ва Шарқий Покистон аҳолиси бошига тушган қурафат муносабати

ЕРДАМ БЕРИЛГАНИ УЧУН ТАШАККУР

БАРАЧИ, 25 май (ТАСС). Совет ҳукумати Шарқий Покистон аҳолисига озиқ-овқат билан бепул ёрдам беришга қарор қилганилиги муносабати билан Покистон беш министри Мухаммад Али совет элчиси Н. Ф. Шпедькодан СССР ҳукуматиغا Покистон ҳукумати билан Совет ҳукумати ахши ният билан қилган бу ишга ташаккур айтиди.

МЕХНАТКАШ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

БУДАПЕШТ, 26 май (ТАСС). Жаҳон касба соҳалари федерацияси 14-17 июнда Будапештда меҳнаткаш хотин-қизларнинг халқаро конференциясини чақирди. Жаҳон касба соҳалари федерациясининг вакили Жорж Ван Хот матбуот конференциясида кенг ва чет эл журналистларига бу конференцияга таъғирларни кўриш қандай бораётганини тўғрисида сўзлаб берди. Конференциянинг ишида жаҳон кўп меҳмонлардан ташқари дунёдаги кўпчилик мамлакатлардан вакил қилинган 500 га яқин делегат қатнашди. Германия 60 кишидан (умумий делегация), Франция 50 кишидан, Италия 40 кишидан иборат делегация юборди. Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Поляна, Чехославкиянинг ва социалистик латердаги бошқа мамлакатларнинг хотин-қизлари ҳам конференцияга катта делегациялар юбордилар.

ЯПОНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING БАЕНОТИ

ПЕКПН, 25 май (ТАСС). Синхуа агентлиги Токио матбуотининг хабарига асосланиб ёзилади: Яқинда Япония Коммунистик партияси социалистик ва ишчи-деҳқон партияларига муносабат қилиб, уларни мамлакатдаги палатасига янги ойда бўлаётган сайловларда биргаликда қатнашишга чақирди.

Айни бир вақтда Япония Коммунистик партияси ўзининг сиёсий платформасини эълон қилди. Партия Япониянинг Совет Иттифоқи, Хитой ва Корея, Демократик Республикаси билан дипломатик муносабатларни қайта тиклашни, тинч-тўтув ялпанининг беш принципи асосида мустақил сиёсат ўрнатишни ҳамда жаҳоннинг барча мамлакатлари билан иқтисодий ва маданий алоқалар қилинишига қўмақлашнинг; қурул-ароқларни қамқатиришни ҳамда атом ва ядролу қурулғиларни ишлаб

Кристиан Пино Парижга қайтиб келди

ПАРИЖ, 25 май (ТАСС). Франция Ташқи Ишлар Министри Кристиан Пино Совет

Иттифоқига ва Чехославкияга қилган сарфаридан бугун Парижга қайтиб келди.

Иттифоқига ва Чехославкияга қилган сарфаридан бугун Парижга қайтиб келди. Иттифоқига ва Чехославкияга қилган сарфаридан бугун Парижга қайтиб келди. Иттифоқига ва Чехославкияга қилган сарфаридан бугун Парижга қайтиб келди.

АЛБАНИЯ МЕХНАТ ПАРТИЯСИНING III СЪЕЗДИ

ТИРАНА, 25 май (ТАСС). Бугун Тиранида Албания Меҳнат партиясининг III съезди очилди.

Съезд делегатлари, жуда кўп меҳмонлар Халқ Мажлиси замига тўғландилар. КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Поспелов бошчилигида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг, Марказий Комитет аъзоси Цзюнь Шань бошчилигида Хитой Коммунистик партияси делегациясининг ҳамда бошқа қардош коммунистик ва ишчи партиялар делегацияларининг залда пайдо бўлишлари билан съезд қатнашчилари уларни гулдўрс қарсақлар қилиб қутиб олдилар.

Съездни Албания Меҳнат партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Анвар Хўжа очди.

Анвар Хўжа қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг съездга келган деле-

гатларини эди бўйичдан табриқлайди. Съезда делегатлар бир овоздан съезд президиумини, секретариатни ва мандат комиссиясини сайладилар.

Съезд қўйилган кун тартибининг тақдиди: Албания Меҳнат партияси Марказий комитетининг ҳисобот доклади, марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади, биринчи беш йиллик планнинг бажарилиш ахволи тўғрисида ҳамда Албания Халқ Республикасининг иқтисодий иқтисодиётининг ривожлантиришнинг 1955-1960 йилларга мўлжалланган иккинчи беш йиллик ваъдасидан директивалар тўғрисида доклад. Албания Меҳнат партияси уставига киритилган ўзгаришлар тўғрисида доклад. Партия марказий оғзақларини сайлаш.

Съезда Анвар Хўжа Албания Меҳнат партияси Марказий комитетининг ҳисобот докладини қилди.

СОВЕТ ХАРБИЙ КЕМАЛАРИНИНГ ЮГОСЛАВИЯГА ВА АЛБАНИЯГА ВИЗИТ ҚИЛИБ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ, ЮГОСЛАВИЯ ФЕДЕРАТИВ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ВА АЛБАНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ХУКУМАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВГА МУВОФИҚ, «МИХАИЛ КУТУЗОВ» КРЕЙСЕРИ ХАМДА «БЕССМЕРНЫЙ» ВА «БЕЗУКОРИЗЕННЫЙ» ЭСКАДРОН КИНОСЕОДИЛАРИ ИБОРАТ СОВЕТ ХАРБИЙ КЕМАЛАРИ ОТРИДИ ШУ

НОСИР ХХРГА ТАҚЛИФ ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙГА ТАШАККУР ИЗЎР ҚИЛДИ

БОХИРА, 25 май (ТАСС). Бу ерда хабар берилишича, беш министри Жамол Абдул Носир Хитой Халқ Республикаси давлат кенгаши беш министри Чжоу Энъ-лайга мактуб юбориб, Хитой Халқ Республикасида расмий визит билан келиши тақлиф қилганини учун унга ташаккур изҳор этган. Носирнинг мактубида бунақдай дейилади: «Менинг фикримча, икки ўртадаги бундай визитлар иккала мамлакатнинг ўртасидаги сармари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Мен, бундай визит Осиё ва Африка мамлакат-

лари ўртасида мавжуд бўлган дўстлик муносабатларини ҳам мустаҳкамлашга ва бу хил визитлар умумий тинчлик ишига ҳамда Бандунг конференцияси матбуоталарини принципларини амалга оширилишига ёрдам беради, деган фикрини ҳам қўйилмаган».

Носир Миср халқи номидан хитой халқига энг яхши тилакларини билдири ва яқин вақтда Хитой Халқ Республикасига борадиган керак, деб умид қилганини айтиди.

ЯПОНИЯДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ БИЛАН НОРМАЛ МУНОСАБАТЛАР ҲАМДА НОРМАЛ ҚИЛМОҚДАЛАР

ПЕКПН, 25 май (ТАСС). Япония радиосининг берган хабарига айтилишича, кеча Отаву ва Буисро шаҳарларида (Жокайдо ороли) жамоатчилик вакилларининг Япония билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга

бағишланган оммавий митинглари бўлиди. Бу митингларнинг қатнашчилари резолюциялар қабул қилдилар ва резолюцияларда, СССР билан дипломатик муносабатларни тезроқ ўрнатилга қаҳридилар.

Италияда муниципал сайловлар

РИМ, 25 май (ТАСС). Бугун Италияда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари сайлов кампанияси тутамда. Овоз бериш 27 майда бошланади ва 28 май туш вақтигача давом этади.

Аргентина транспорт ишчиларининг забастовкаси

НЬЮ-ЙОРК, 25 май (ТАСС). Ассошиейтед Пресс агентлигининг мухбири Буэнос-Айресдан хабар беради: 23 майда бу ерда шаҳар транспорт хизматчиларининг забастовкаси эълон қилинди. Забастовка қилувчилар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

Забастовка шаҳардаги қатновни бутунлай тўхтатиб қўйди. Аргентина ҳукумати иш ташлаётганларга қарши жазо чоралари қўлади. Мухбир

Франция аҳолисининг сони

ПАРИЖ, 25 май (ТАСС). Фран Пресс агентлигининг хабарига қараганда, Франция аҳолисининг сони ҳозирги вақтда 43 миллион 500 минг кишидан иборатдир.

нинг маълумотларига қараганда, полиция транспорт ишчиларининг 365 кишини қамқоққа олган. Забастовка қатнашчилардан 25 киши мамлакатнинг жанубидagi суғуқ районларга сургун қилинган. 24 майда ҳукумат иш ташлаётган ишчиларни шаҳар транспортда ишлашга мажбур қилиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Жазо чоралари ишчиларни забастовкадан тўхтатишга мажбур этди.

К и т о б — о м м а г а !

Китоб ҳар бир совет кишининг энг яхши ёрдамчиси ва коммунистик қурулғининг оқилонароқ масалаларини ҳал қилишда унинг дово масалатчиси. Китоб кишининг маънавий озодлигидир. Ҳозир жуда бўлмаганда кичикроқ уй кутубхонасига эга бўлмаган бирорта оилани топиш қийин. Яхши китоб сотиб олиш оилата катта қувонч бағишлайди.

Халқнинг бадий, сиёсий, техника ва қишлоқ хўжалиги адабиётига бўлган қизиқиниш меҳнаткашларнинг ҳар бир китобининг қизиқиниш оқибати кутатганилиги ва катта тиражларда босилган турли китобларни шаҳар ва қишлоқларда тез вақт ичида сотиб олинаётганини ҳам ибодатлайди.

Китобхонларнинг талабларини тўла-роқ қондиришда китоб сотиш тармоқлари хизматлари зиммасига шарафли вазифалар юкланди. Китоб савдосининг кўпгина ходимлари ўз вазифаларини тўғри англаб, ўзларига топширилган масъулиятини ишчи шараф билан бажармоқдалар. Тошкентдаги 1-магазиннинг директори ўртоқ Маликов, бўлиқ мухбирлари ва ходимларини Манушова, Умархўжаев, Қўзибоев, Перцева, Поляна ўртоқлар китобнинг тез ва яхшироқ тарқалишини таъминлаётган аниқ-янгил формаларни қидириб топмоқдалар. Бу ерда китобхонлар конференцияси, ёзувчилар билан учрашув, адабиётлар темаларида лекциялар ўтказиб турилади, китоб кечалари, бир кунлик китоб бозорлари, китоб выставкаси ташкил қилинади, етказилган ва босилган китоблар ҳақидаги библиографик маълумотлар бериш иши яхши йўлга қўйилган. Қуллас, бу магазинда китобхонлар сонини, хабардорларнинг қизиқиниш қувватларини ҳамма тадбирлар амалга оширилмоқда.

Магазин коллективни шу йилнинг дастлабки 4 ойи мобайнида 1 миллион 825 минг сўмлик, яъни пазандадан 200 минг сўмликдан ортиқ китоб сотди. Тошкентдаги Расулдов ва Глиман ўртоқлар раҳбарлик қилган 8 ва 6-магазинлар, шунингдек Чирчиқ ва Охангарон шаҳарларидаги китоб магазинлари ҳам яхши ишлар қилмоқдалар. Юқори Чирчиқ, Октябрь, Сер-

дарё районларидаги китоб магазинларининг ходимлари қишлоқда китоб савдосининг ўзига хос хусусиятларини биллиб маънавлар. Бу магазинларнинг директорлари партия, касба соҳа ва комсомол ташкилотлари билан, колхоз правдаси билан ва маданий-оқартов муассасалари билан доим алоқа қилиб турадилар. Улар юқори синф ўқувчилардан, комсомол аъзолари, хат таънувчилар ва киномеханкалардан ўзларига ёрдамчилар топиб олганлар. Буларнинг ёрдами билан китоб пропагандасини кенгайтиришмоқдалар, аҳолининг эътибосларини ўрганиб, халқнинг китобга бўлган талабларини қондиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Китоб савдоси бўйича бериладиган план умуман ошириб бажариладиган бўлса ҳам ўзлавикинготўғрисидаги област контораси ва област матбуот савди ишида ҳали жиддий камчиликлар бор.

Облқинготорг базаларида китоблар қўлининг нормативда кўратилганидан 5,5 миллион сўмликка яқин ортиқча китоб етипти. Бунинг устига бу рақам камаймаптир. Китобхонларга зарур бўлган жуда кўп китоблар област кинготорг контораси (бошқини ўртоқ Кравченко) раҳбарларининг бепарволиги натижасида сепкаста эскириб, ўз актуаллигини йўқотиб, маълумотга айланб бормоқда. Областики шахар ва районларидаги китоб савдоси тармоқларининг аридан кўп пиланларини бажармаётган бир пайтда Тошкент шаҳар китоб магазинларининг яхши ишлатилганлиги билан облқинготорг контораси хизматлари хизматига яхши баҳо бериб бўлмайди, афсуски.

Областики матбуот кооперацияси жуда ёмон ишламоқда. Ахир айрим колхоз, совхоз ва МТСлардаги меҳнаткашларнинг



Тошкентдаги китоб бозорига харидорлар янги китобларни эфр қизиқиш билан сотиб олмақдалар.

В. Салов фотоси.

Самарали ўтган 30 йил



Яқинда В. М. Молотов номидаги Тошкент медицина институтини коллектив тери ва таносил касалликлар кафедрасининг муdiri, медицина фанлари доктори профессор А. А. Ақобиянинг врачлик, педагогик, илмий ҳамда ижтимоий фаолиятига 30 йил тўғланганини таънавали равишда нишонлади.

Профессор А. А. Ақобия 1900 йилда Ашхабад шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. У 1926 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг медицина факультетини тамомлади. Сўнгра Тошкент медицина институтини ўқитувчилик қилаётганда, шу билан бирга илмий ишни энг таънавали. Илмий монографиялар асар ёзди. Бу илмий ишлар асос касаллигини даволаш масалаларига бағишланган эди. Юқоридаги илмий ишларида эришган муваффақиятлари учун Ўртоқ Ақобияга ўша йили медицина фанлари кандидати деган илмий даража берилади. Орадан икки йил ўтган. «Юмшоқ арияннинг специфик диагностикаси ва уни даволаш» деган темада диссертация ёзди ва медицина фанлари доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлди.

Профессор Ақобия ўзининг педагогик фаолияти даврида жуда кўп маънавий врачларни тарбиялаб еттиктирди.

Отоқли олим А. А. Ақобия

ҳозиргача 60 га яқин илмий асар ёзди. Булардан 3 таси йилнинг илмий ишларида асос касаллигини даволашдаги эффектив методлар, тери касалликларининг патогенезини аниқлаш, таносил касаллигини сиратерияни методи билан даволаш ва бошқа масалаларни ишлаб чиқди. Булар даволаш ишларида кенг қўлланилмоқда.

Талантли профессор Ақобиянинг актив жамоатчи ҳамдир. У Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг беш мутахассиси, министрлик ҳузуридаги олимлар Советининг аъзосидир.

А. А. Ақобиянинг халқ соғлиқини сақлаш соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати муносиб равишда тақдирланди. У Иттифок ҳукумати томонидан Меҳнат Қизини байроқ ордени ва бир неча медал билан мукофотланди. Педагогик, врачлик, илмий ва ижтимоий фаолиятига 30 йил тўғланган муносабати билан, юбилей адресига даволаш муассасалари ва медицина институтларини таъриқ телеграммалари келмоқда.

Т. НАЖМИДИНОВ.

Суратда (ўртада): профессор А. А. Ақобия бир гурпуа медицина ходимлари билан биохимия лабораториясида биохимик текширишлар натижасини кўздан кечирмоқда.

В. Салов фотоси.

Дания фолькетинги делегацияси аъзолари группасининг Ўзбекистонда бўлиши

СССР Олий Советининг таълифига биноан, Совет Иттифоқига келган Дания фолькетинги делегацияси аъзоларидан бир группаси икки кундан буён Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди.

26 май артавд Дания парламентининг К. Берхольм бошчилигидаги депутатлари Жау Ватан уруши қаҳрамони, ўзбек халқининг шонли фарзанди, генерал-майори Собир Раҳимовнинг қабирга гулчамбар қўйилар.

Сўнгра, делегация аъзолари ва уларнинг ҳамроҳлари бўлган Дания журналистлари Оржоникиде номидаги 20-мактабни бориб кўридилар.

Дания парламент аъзолари мактабни кўрганан кейин 20-болалар уйида, шунингдек Ўрта Осиё ва Қозоғистон музоамалар Диния бошқармасида бўлидилар.

Делегация аъзолари тушдан кейин Ор-

жоникиде районидидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига борилад. Колхоз раиси А. Матқубов меҳмонларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтариб, колхоз хўжалигининг иқтисодий ҳолати тўғрисида сўзлаб берди. Колхоз правдасини меҳмонлар шарофига аниқлаб берди. Зифат вақтида таъриқ аутқлари сўзланди.



Кечкурун делегация аъзолари Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрида қўйиб берилган концертда ҳозир бўлидилар. (ЎзТАГ).

Суратда: делегация бошлиғи К. Берхольм (ўртада) Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори С. И. Комков (ўртада) билан суҳбат қилмоқда.

И. Душини фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёғин бини) — 27/В да Холмисон, 29/В да Юрак сирлари.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/В да кундуз Оқуш кўли, кечкурун Подшо қайлиги, 29/В да Ўйкудаги гўзал.

МУҚИМИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/В да Азиз ва Санам, 29/В да Фарҳод ва Ширин.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА: «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечкурун), «РОДИНА», НАВОИЙ номили (кундуз), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 2 дан кеч 6 гача), «ИСКРА» (кеч соат 7-40 минутдан) — янги кинокомедия Уинпермак витринаси орасида.

РОДИНА» (кечурун), НАВОИЙ номили (эртабало соат 11, кундуз 1 да ва кеч соат 6 дан), «ИСКРА», (кеч соат 8-20 минутдан), «ЎЗБЕКИСТОН» (эртабало соат 10, кундуз 12 да ва кеч соат 7 дан) — 306-сон дело.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА: «ВАТАН», НАВОИЙ номили, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРИК» — Уинпермак витринаси орасида.

«ИСКРА» (Кафанов номили парк) — Ниначи.